



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 3-aprel, chorshanba

№ 3 (1117)

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.uzhurriyat.uz

## «ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ» НИМА ДЕГАНИ?

ёки қонунларимиз матнидаги айрим ғализликлар хусусида  
Ўзбек тилининг имкониятлари жуда кенг. Аммо, қонун тилининг, бошқача айтганда, расмий тилнинг ўзига хос талаблари бор. Шунинг учун ҳуқуқий атамаларни пухта ишлаб чиқиш зарур.

⇒ 2-бет



журнали  
МЕҲМОНИМИЗ

⇒ 4-бет

## “ТОҒ БАҒРИДАГИ ҚОЯ”

ёки атоқли давлат арбоби,  
халқимизнинг улуғ адибларидан бири  
Шароф Рашидов ҳақида  
шеърый қасида

⇒ 5-бет

## » Фестиваль

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 1 ноябрда қабул қилинган “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта бахшичилик санъати фестивали ташкил этилади.

## Халқ руҳини асраган санъат

Шу кунлари мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси — Термизга дунёнинг кўплаб мамлакатларидан халқ оғзаки ижодкорлари — бахшилар, шоирлар, оқинлар, жировлар, жирчилар, манасчилар, қиссахоҳлар, шоирлар ва фольклоршунос олимлар ташриф буюрмоқда. Зеро, 5-10 апрель кунлари бу қадим шаҳарда илк бор Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан вилоятда йирик халқаро анжуман олдидан кўплаб талбирлар ўтказилмоқда. Мағбуот уйида ташкил этилган энг сара дoston ва термаларнинг янги чоп этилган китоблари тақдимида таниқли бахшилар, шоирлар, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими ҳамкорлигида чоп этилган “Алпомиш”, “Олтин қобок”, “Малла савдогар” дostonларининг мазкур нашри халқаро санъат фестивали олдидан халқ оғзаки ижоди мухлислари учун ажойиб совға бўлди.

“Hurriyat” мухбири таниқли ижодкорлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг айримларидан ўзбек халқ бахшичилик санъати ҳамда мазкур халқаро санъат фестивалининг аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.



шиларни халқнинг тили бўлган десак тўғри бўлади. Бир айтишда ўн кечалаб айтилган “Алпомиш”, юзга яқин дostonлар туркумини ўзида жамлаган “Гуруғли” каби гигант асарлар даврлар суронидан халқ руҳини бутун олиб чиқа олган. Миллат қалбини таниш учун аввало унинг оғзаки ижодини, дostonларини билиш керак.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Сурхондарёда шу кунларда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтаётгани кейинги юз йилликда катта маънавий ҳодисалардан биридир.

2



## » Долзарб мавзу

Алишер УМАРОВ:

## “Таълим умумхалқ ҳаракатига айланиши керак”

Бугун мамлакатимиздаги 9691 умумтаълим мактабидо олти миллионга яқин (5 821 минг 861 нафар) ўқувчи таҳсил оляпти. 445 минг нафар муаллим (131250 нафари эркак ўқитувчи) уларга таълим-тарбия беришмоқда.

Кейинги икки йил ичида соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбарининг тизимни ислоҳ қилиш ва таълим сифатини янада оширишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, соҳа янги, сифат

жиҳатидан юқори босқичга қадам қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер УМАРОВ билан суҳбатимиз асосан тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида бўлди.

3

## » Уюшма фаолиятдан

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳуқуқий журналистлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, марказий ва ҳудудий ОАВ вакиллари иштирокида “Судлар фаолиятида очиқлик ва ошқораликни таъминлашда ОАВнинг ўрни” мавзусида видеоконференция шаклида давра суҳбати ўтказилди.

## Судлар фаолиятида очиқлик қай даражада?

Унда Олий суд судьялари ва ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вакиллари, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура аxbорот хизмати ходимлари, марказий теле ва радиоканаллар, босма ва электрон нашрларда судхуқуқ соҳасини ёритувчи журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси Козимжон Камиллов бошқарган очиқ мулоқотда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар судларнинг мустақиллигини, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даража-



сани оширишда дастурламал бўлаётганини таъкидлади. Президентимизнинг шу йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси аxbорот ва оммавий коммуникациялари янада ривожлантириш дастурининг 6-бандида “Суд

органи билан республика журналистлари ўртасида исчи ҳамкорликни ўрнатиш, уларнинг суд материалларини ёритишда ОАВдан кенг фойдаланишни назарда тутувчи чора-тадбирлар” белгиланди. Дастурнинг мазкур банди амалга ошириш бўйича Олий суд журналистлар учун барча тадбирларни ташкил этишга ҳаракат қилинган бўлди.

— Журналистларнинг судларда иштирок эти-

ши бўйича барча шароитларни яратиб берамиз — деди Олий суд раиси Козимжон Камиллов. — Лекин айрим суд жараёнларида, хусусан Фуқаролик судларида эса аксар ишлар оилавий моjarолар экани сабабли суд иштирокчилари ўз муаммоларини ошқор этишни хоҳламайди. Биз ҳам бунга қаршилик қила олмаيمиз. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Фуқаролик судида жуда оғир масалалар кўрила-

## » Шеърый лаҳза

## АВЛОДЛАР ҚЎШИҒИ

Гайрат  
МАЖИД



Тиниқ бир шишага ўхшайди кўнги,  
Тузатиб бўлмамай синса дарзларин.  
Куч — адолатдадур, буни англаю  
Кунт билан ўргангин ҳаёт дарсларин.  
Ҳаёт асли тарих, илму урфондир,  
Бобом Амир Темур Соҳибқирондир.

Жонингдан азиздир муқаддас шу эл,  
Иймон кўзларга нур, дилларга чирой.  
Оламга жаҳонгир берган бу юртдан  
Не-не тарихлардан сўйлар Оқсарой.  
Шунданми, гурурим, орим осмондир,  
Бобом Амир Темур Соҳибқирондир.

Боги Дилқушою боги Чинорлар,  
Насими қалбларга ҳаволар берур.  
Масжиду мадраса — обод манзиллар  
Ҳар гишти Ҳақ деган садолар берур,  
Самарқанд ҳам қадим, ҳам навқирондир,  
Бобом Амир Темур Соҳибқирондир.

Фалак сирларини айлади у ҳал,  
Ҳам султон, ҳам устод Мирзо Улугбек.  
Ҳазрат Навоийнинг сўзлари ҳақдир,  
“Ки олам кўрмади султон шундек”.  
Бу ҳам ҳар ўзбекка шавкатдир, шондир,  
Бобом Амир Темур Соҳибқирондир.

Ҳалолу покликда ҳикмат кўп азал,  
Буни тушунгайдир кўнгли подирлар,  
“Тузуқлар” дан сабоқ олгани учун,  
Оламни дол этди Мирзо Бобурлар.  
Ўйласам, ҳар бири битта дostonдир,  
Бобом Амир Темур Соҳибқирондир.

Дерлар кўкларга бўй чўзгайдир дарахт,  
Агар омон бўлса илдиш муқаррам.  
Шурури онгимда янгар бир хитоб,  
Миллатнинг дардига дармон бўл, болам.  
Билдим: ҳар фарзанд — бир Ўзбекистондир,  
Бобом Амир Темур Соҳибқирондир.

Муаззам дарёлар оққайлар тўлиб,  
Шахси талват эрур орзу дегани.  
Элу Ватан деган зотлар бордир-ки,  
Умри қуёш янглиг мангу дегани.  
Англадим: бу ҳикмат жонимга жондир,  
Бобом Амир Темур Соҳибқирондир.

## » Миннатдорлик

## Энди ўз уйимиз бор!

Наманган шаҳридаги Орзу даҳасида ўтган бу тантанали маросим кўпчиликнинг ёдидан чиқмайди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳомийлигида барпо этилган элликта ҳовли-жой кам таъминланган, уй-жойга муҳтож оилалар ва ногиронлиги бор фуқароларга бепул топширилди.

Янги уй сохибала-

ридан бири — Д.Болтабоевнинг айтишича, у турмуш ўртоғи вафот этган, икки фарзанди билан тоғасининг уйда яшаб келаётган экан. Ўғли 20, қизи 17 ёшга тўлган онанинг фарзандлари келажакини ўйлаб ташвишлари ортомқда эди. “Бугун қадимиздан ҳам қадримиз баланд бўлди, — дейди у. — Энди ўз уйимиз бор! Бундай юксак гамхўрлиги учун Президентимиздан гоят миннатдоримиз!”

Қодир ҚОДИРОВ.

2









